

Н.Д.Бобоев-Маркетинг кафедраси доценти,
Ш.Х.Пардаев - Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи
махсус фан ўқитувчиси

Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий масалалари

Илм –зиё салоҳияти бу ҳалқнинг,

*Ватаннинг улкан бойлиги, келажак пойдеворидир.
Ислом Каримов*

Ҳар бир ҳалқ, ҳар бир миллатнинг эртанги қуни бугун вояга етаётган ёшларнинг тақдири билан узвий боғлиқдир. Шуни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, республикамизда ўтган давр мобайнида айнан таълим тизимини ривожлантиришга давлатимиз устивор вазифа сифатида эътибор қаратиб, бугунги улғайиб бораётган баркамол авлоднинг жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган шароитларда билим олишини, жисмонан ва маънан етук бўлиб етишишини таъминлаш, уларнинг ақлий ҳамда интеллектуал қобилиятларини ошириш, уларни юзага чиқариш борасида улкан ва кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Шундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида баркамол авлодни тарбиялашда таълим хизматлари тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. “Таълим тўғрисида” ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадбиқ қилиниши натижасида замонавий таълим муассасаларининг пайдо бўлиши, аввалги таълим муассасаларининг қиёфаси янада кўркамлашиб бориши, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланишига олиб келди.

Баркамол авлодни тарбиялаш, уларга таълим беришда албатта “таълим” ва “тарбия” тушунчалари нақадар муҳимлигини инобатга олиб, бу тушунчаларнинг бир-бири билан доимо уйғунлашиб ишлатилиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қуйида уларнинг изоҳига назар ташлаймиз.

1. Таълим тушунчаси шахснинг маърифий ва тарбиявий даражасини орттириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргалиқда амалга оширадиган дидактик фаолиятдир. Шахснинг ақлий тараққиётини таъминлаш мақсадида кўриладиган дидактик чора-тадбирлар тизимиdir¹.

2. Тарбия тушунчаси - 1) янги авлод кишиларига катта авлоднинг ижтимоий тарихий тажрибасини бериш туфайли ривожланишини

¹Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия).-Т:Ўзбекистон, 2010.40-бет.

таъминловчи ижтимоий функция; 2) ижтимоий институтлар таъсири остида инсон субъектив-шахсий ва маънавий дунёсини шакллантириш, қарор топтириш, бойитиш ва такомиллаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, тизимлаштирилган ва онгли жараёни. Тарбия-таълим билан ўзаро жипс боғланган ижтимоийлашишнинг асосий бўғини, таълим тизимининг таркибий қисмидир².

Инсоннинг дунёга келиши, факат туғилишдан иборат табиий-биологик ҳодиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасининг тараққиёт даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштирокчисига айланиши, ўз эътиқодига, ўзлигига, хаётда ўз ўрнига, мавқеига эга бўлиши ва бунинг учун таълим олиши керак бўлади.

Шу аснода Республикаизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997) асосида узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим қуйидаги йўналишлари ҳаётга тадбиқ этилди:

- 1.Мактабгача таълим.
- 2.Умумий ўрта таълим.
- 3.Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими.
- 4.Олий таълим.
- 5.Олий ўкув юртидан кейинги таълим.
- 6.Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
- 7.Мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим йўналишларидан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишидир.

Маълумки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими баркамол авлодни шакллантиришда ўзига хос муҳим аҳамиятга эгадир, бундан ташқари ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизими зиммасига баркамол авлодни аниқ бир турдаги ихтисослашган касбларга йўналтиришдек муҳим вазифа ҳам юклатилган. Жамиятда олиб борилаётган модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида соҳани бошқаришда демократик принципларга таянган ҳолда замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, тизим олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизимидағи айрим муаммолар мавжудлиги бугунги кунда кўпчилигимизга сир эмас, улар қуйидагилардан иборат :

1. Таълим муассасаларида, хусусан касб-хунар коллежларида «кадрлар қўнимсизлиги» ёки ўқитувчиликни «коралиқ касб» деб билиши, яъни

² Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати.-Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.-320-321 бетлар.

бошқарувнинг белгиланган тамойилларига асосланмаган ҳолда ташкил этилиши кузатилган ҳолатда кўплаб ўқитувчиларнинг ишдан бўшаб кетиши ва бошқа «яхшироқ иш» топилгунча ишлаб туриш ҳолатларининг жуда кўплаб кузатилиши;

2. Мутахассис-ўқитувчиларни «танлов» асосида қабул қилиш шартларининг белгиланган талаблардан келиб чиқмаган ҳолда амалга оширилиши;

3. Иш жараёнида текширувлар сонининг кўпайиб кетиши, турли навбатдан ташқари ташкил этиладиган йиғилишларнинг бевақт ўтказилиши натижасида дарс-машғулотларининг ўтилмай қолиши;

4. Ўқув муассасаларида ички назорат жараёнининг яхши ташкил этилмаганлиги, натижада ўқув муассасаларида кўплаб муаммоларнинг тўпланиб қолиши;

5. Замонавий таълим методларидан самарали фойдаланмаслик, эски методларнинг амалдаги ҳолати мавжудлиги;

6. Таълим хизматларини кўрсатувчиларнинг белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги;

7. Таълим хизматларини кўрсатувчиларнинг ёшлари ўртасидаги муаммолар, илмли ва тажрибали педагогларнинг улғайиб, нафақа ёшига яқинлашиб бориши;

8. Кўпчилик ота-оналарнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ёшида бўлган фарзандларини ташлаб, чет давлатларга ишлаш учун чиқиб кетиши оқибатида ёшларнинг назоратсиз қолиши;

9. Таълим муассасаларида раҳбар-ходимларнинг сайлаб қўйилишида белгиланган талабларга тўлиқ риоя қилинмаслик ҳолларининг мавжудлиги;

10. Баъзи жойларда, жумладан чекка туман-қишлоқларда мутахассис-педагогларнинг етишмаслиги оқибатида таълимга лаёқати бўлмаган шахсларнинг жалб қилиниши;

11. Ўқув муассасаси ҳудудида айrim ноодатий ҳатти-ҳаракатларнинг (нос, тамаки ва спиртли маҳсулотлар истеъмоли) кузатилиши ва уларга барҳам бериш механизмининг йўқлиги.

Юқорида таъкидланган мавжуд муаммоларнинг ечимлари ҳақида кўйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- Таълим муассасаларида, хусусан касб-хунар коллежларида «кадрлар қўнимизлиги»ни бартараф этиш мақсадида ишга келаётган педагог-мутахассиснинг таълим беришга лаёқатлилик даражасини шартнома тузишдан олдин синаб кўриш чораларини ишлаб чиқиш;

- Мутахассис-ўқитувчиларни «танлов» асосида ишга қабул қилиш жараёнида, танлов қоидаларига қатъий риоя қилишни тегишли юқори ташкилотлар билан чамбарчас ҳолда ташкил этиш, лозим бўлса шу ўринда қатъий назорат ўрнатиш;

- Текширувларни дарс жараёнларидан ташқари амалга ошириш, текширувлар сонини қисқартириш, мақсадни сифатни оширишга қаратиш. Текширув натижаси билан аниқланган салбий ва ижобий жараёнларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, зеро жазо ва мукофот бор жараёнда равнақ борлигини амалга жорий қилиш;

- Таълим муассасаларида «Ички мониторинг назорат бўлими» ишини қатъий олиб борилишини таъминлаш асосида ташки назоратга хожат қолдирмаслик;

- Замонавий усуллардан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, эски методларни замонавий қиёфаларга айлантириш, мультимедия воситалари билан жиҳозланган маҳсус аудиториялар сонини кескин ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- Таълим хизматларини кўрсатувчиларнинг замонавий технологиялардан фойдаланишни билиши, педагогик маҳоратга, нотиклик саънатига эга бўлиши лозимлигига тўлиқ ёндашиш;

- Мажбурий таълим ёшида бўлган фарзандлари мавжуд ота-оналарнинг маълум мақсад учун республика худудидан чиқиб кетишини назоратга олиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- Раҳбар-ҳодимларни сайлаб қўйишида «ўз ишининг устаси» қоидасига риоя қилган ҳолда тайинлаш ишларини олиб бориш;

- Таълим муассасалари худудида, иш вақтида ноодатий ҳаракатлардан воз кечишни норматив жиҳатдан белгилаб қўйиш.

Фикримизча, назарда тутилган тавсияларимизга таянган ҳолда таълим муассасаларида таълим тарбия ишлари ташкил этилар экан, давлатимиз томонидан илгари сурилаётган баркамол авлодни тарбиялашдек улкан вазифаларни сезиларли даражада адо этган бўлар эдик.